2015 йил 21 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 171 (12.984)

Баҳоси эркин нархда

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Оқил Ғуломов олган суратлар

## БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ ТИМСОЛИ

***Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини Фарғона водийси билан боғлайдиган, Евроосиё трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг қурилиш жараёни ҳақида ёзиш учун Қамчиқ довонига кетаяпмиз. Демак, суҳбатимизнинг бош мавзуси иқтисодиётнинг асосий қон томири бўлган темир йўл транспорти, бу йўналишда мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар самараси ва истиқболи ҳақида.***

Биласиз, илгари поездларимиз юк ва йўловчи ташишда қўшни давлатлар ҳудудини кесиб ўтган, бу ортиқча чиқимдан ташқари турли сансалорлигу асаббузарликлар, вақт йўқотишга олиб келган. Янги темир йўллар қуриш, ягона темир йўл тизими барпо этиш дунё океанига чиқадиган денгиз, халқаро транзит йўлларидан олисда ва четда бўлган Ўзбекистонимиз учун ҳаётий зарурат эди.

Президентимиз Ислом Каримов Ватанимиз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ яхлит ва ягона темир йўл тизимини яратиш ғоясини илгари сурди. Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун унинг юксак самараси ва таъсирини воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида яққол кўриб турибди.

Орадан атиги уч йил ўтиб, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километр бўлган мазкур темир йўлнинг ноёблиги шундаки, у нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, дарё транспорти нисбатан хавфсизлиги ва арзонлиги билан қолган транспортлардан ажралиб туради. Жуғрофий жойлашуви жиҳатидан халқаро коммуникация ва денгиз йўлларидан олисда бўлган Ўзбекистон учун уммонга чиқиш иқтисодий салоҳиятнинг янги қирраларини очишда ғоят муҳим ҳисобланади.

Йўл қурганнинг йўли очиқ, деган чуқур маъноли сўзлар биринчи бўлиб ким томонидан, қачон ва қаерда айтилгани ҳақида бир нима дейиш қийин. Ҳар ҳолда, бу сўз мустақиллик йилларида бутунлай янгича мазмун касб этгани ва амалда ўз исботини топгани бугун барчага аён.

Буни бугунги кунда катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қаралаётган, транспорт-коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот – Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғининг қурилиши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

...Қурама, Чотқол тоғларининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Қамчиқ довонига етиб қолдик. Ана, Оҳангарон сув омборидан ўтдик. Тангатопди қишлоғи ҳам ортда қолди. Биз ўтирган "Нексия" машинаси шундоққина тоғ этагидаги "Довон" деб номланган савдо растаси ёнига келиб тўхтади.

(Давоми 2-бетда)

Мафтунингман, Ўзбекистон!

## СЕРҚУЁШ ЮРТИНГИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

***Халқимиз Энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётган шу кунларда шаҳарларимизда кўплаб хорижлик сайёҳларни учратиш мумкин. Хоразм вилоятидаги мухбиримиз улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

**Оде ЛЕВАЛЛОИС (Франция):**

– Менда Ўзбекистонга келиш нияти "The Huffington Post" интернет нашрида Самарқанд инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта шарт бўлган дунёдаги 50 шаҳардан бири сифатида эътироф этилганини ўқиганимдаёқ пайдо бўлди. Ўшандан буён Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаёти билан қизиқа бошладим. Бу юрт мени ўзига ром этди. Ватанингиз мустақиллиги халқингиз учун нақадар азиз эканини чуқур англадим. Урганч жуда чиройли ва замонавий шаҳар экан. Хива эртакнамо шаҳар десам, адашмасам керак. Неча асрлар тарихи шундай кўз ўнгингизда намоён бўлади. Бундай муқаддас замин ва олижаноб халқнинг истиқболи буюк бўлишига ишонаман.

**Долорес ПАРРАМОН (Испания):**

– Саёҳат давомида Хива шаҳрида ўтказилган "Қовунлар сайли" тадбирида қатнашдим. Бизда ҳам қовун бор. Аммо бу ердаги каби ширин, йирик ва турли навдаги қовунни ҳали тотиб кўрмагандим. Ёз ойларида қуёш тафтида пишган полиз маҳсулотини жазирамада сув ўрнида бемалол тановул қилиш мумкин. Ери серҳосил, осмони серқуёш Ўзбекистонга, бағрикенг ва очиқ кўнгил халқингизга ҳавасим келди.

**Анна Мария МАЙКУТЕВИЧ (Польша):**

– Хоразмга келган сайёҳ бетакрор ва унутилмас таассуротлар билан қайтади. Муқаддас қадамжолар, тарихий масканларга бой бу заминда дунё илм-фани ва тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар яшаб, ижод этган. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳақида китобларда ўқигандим. Ичан қалъа мажмуасига кирдиму неча минг йиллик тарих тасаввуримда жонлангандай бўлди. Бу обидалар орасида юрган киши худди эртаклар оламига тушиб қолгандек бўлади. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, миллий таомлар, урф-одат ва анъаналар кишини ҳайратга солади. Фурсатдан фойдаланиб, жаннатмонанд юртда яшаётган ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан табриклайман.

**ЎзА мухбири**
**А.ШОКИРОВ**
**ёзиб олди.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Президентимизнинг жорий йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида ўтказилган ижтимоий акция "Кексаларни эъзозлаш – муқаддас бурчимиз" деб номланди.**

**• Фарғона вилояти Учкўприк туманида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида вилоят халқ таълими тизими ходимларининг анъанавий кенгаши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган туб islоҳотлар, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, янгича ёндашувларга мурожаат қилган ҳолда таълим сифатини юксалтиришга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.**

**• Наманганда вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, туман ҳокимлари, мутахассислар, фермерлар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокида ғўза дефолиациясини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш тадбирларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

**• Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотларининг иккинчи халқаро кўргазмасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан юртимизнинг 48 та корхонаси иштироки ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Грецияга Европа Иттифоқи томонидан учинчи халқаро кўмак дастури доирасида 13 миллиард евро миқдорида дастлабки имтиёзли кредит ўтказилди.**

**• Кеча Туркиянинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Сиирт музофотида террорчиларнинг ҳарбий хизматчиларга қарши уюштирган ҳужумлари натижасида саккиз нафар аскар ҳалок бўлган, яна бир нечтаси жароҳатланган. Маълумотларга кўра, ҳарбийлар жойлашган транспорт ҳаракатланаётган пайтда жангариларнинг йўл чеккасига ўрнатилган портловчи қурилмани ишга туширишлари натижасида кучли портлаш рўй берган. Ҳозирда террорчиларни излаб топиш юзасидан махсус операция амалга оширилмоқда.**

**• Индонезияда балиқ овлаётган хорижий браконьерларнинг 30 дан ортиқ кемалари чўктириб юборилди. Бу мамлакат президенти томонидан ноқонуний тарзда балиқ овлашга қарши чора-тадбирларни кучайтиришга қаратилган қарор доирасидаги биринчи тадбир эмас. Яъни, бундан уч ой муқаддам ҳам Индонезия ҳарбий денгиз кучлари хорижлик браконьерларга тегишли бўлган 60 дан ортиқ кемани йўқ қилгандилар.**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъатимизни янги-янги истеъдодлар билан бойитиш, уларнинг ижодини халқимизга яқиндан таништиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

## БАРҚ УРИБ ЎСАЁТГАН НИҲОЛЛАР



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

"Истиқлол" саройида 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотини топширишга бағишланган тантанали тадбир ва гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби этиб камолга етказиш, эстетик диди ва тафаккури, дунёқарашини шакллантиришнинг асосий шарти сифатида мусиқа санъатини равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани таъкидланди.

Бу жараёнда замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, уларни зарур чолғулар билан жиҳозлаш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Санъат равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлар навқирон авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш, уларнинг қалби ва онгида эзгу ғояларни қарор топтириш, янги истеъдодлар сафини кенгайтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти билан эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасида юртдошларимиз юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар тақдирланмоқда.

"Ниҳол" мукофотига саралаш уч босқичли тизимда ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад чекка ҳудудларда яшаб, ижод қилаётган истеъдод эгаларининг ижодини тарғиб этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга даъвогарлик қилаётган ёшлар иштирокидаги танлов икки йилда бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилди. Бу истеъдодли ёшларни саралаш, ижодкорларга қўйилаётган талабларнинг замон руҳи билан ҳамоҳанглигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги танлов ҳам юқори савияда, байрамона руҳда ташкил этилди. Танловни ўтказиш учун таниқли режиссёр ва продюсерлар, шоир ва бастакорлар, мусиқашунослар, хореографлар, санъат усталари кенг жалб этилгани ёшларнинг салоҳияти ва қобилиятини тўла ўрганиш имконини берди.

Танловнинг мамлакат босқичи юртимиз ёш истеъдодларга нечоғли бой эканини намойиш этди. Мазкур мукофот соҳиблари ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртига имтиҳон ва тест синовларисиз давлат гранти асосида ўқишга кириш имконияти, "Ниҳол"нинг махсус статуэткаси ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баробари миқдорида пул мукофотига эга бўлади.

(Давоми 3-бетда)

# МУСТАҚИЛЛИК КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ

***Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Ўтган йилларда халқимиз эришган ютуқ ва марраларни таҳлил қилар эканмиз, Президентимизнинг "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган даъвати бизни яқин ўтмишга назар ташлаб, бугунги тинч-осойишта, дориломон ҳаётимизга шукроналик билан яшашга ундайди.***

Собиқ мустабид тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида жаҳон тиббиёти ривожланганига қарамай, Ўзбекистонда соҳа оғир аҳволга тушиб қолганди. Касалликлар ва жароҳатларни даволашда қўлланиладиган усуллар замон талабларига жавоб бермас, дори-дармон танқислиги кучайиб борар, беморларга тўлақонли тиббий ёрдам кўрсатиш учун шароит етишмас эди.

Шифо истаб келган беморга "сизнинг дардингизни даволашдан ожизмиз" дейиш шифокор учун қанчалик оғир эканини англаш қийин эмас. Буюк аллома Абу Али ибн Синонинг ватани бўлган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш хизматининг бундай аҳволга тушиши тиббиёт ходимларини жиддий ўйлантирар, катта қийинчиликлар билан ишлар эдик.

Минг шукрки, Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш чоралари кўрилди, бу давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг самарасида жуда қисқа муддатда аҳолига бирламчи тиббий-профилактика, шошилинч, ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси яратилди.

Бу ислоҳотлар жараёнида травматология ва ортопедия соҳаси ҳам жадал тараққий этмоқда. Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказлари, туман тиббиёт бирлашмаларининг травматология бўлимларида аҳолига мазкур йўналишда замонавий андозалар даражасида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Айниқса, суяк-бўғим касалликлари ва жароҳатларига ташхис қўйишда тиббиётнинг барча бўғинларида МРТ, компьютер тамография, рақамли рентген аппаратлари, артроскоп, ультратовуш таҳлил воситалари ва бошқа илғор тиббий технологиялар жорий этилиши касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш имконини бермоқда.

Мустақиллик йилларида илм-фан ривожига кенг йўл очилиши натижасида институтимиз олимлари томонидан юздан ортиқ ихтирога патент олинди ва бундай муҳим янгиликлар соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилмоқда. Натижада илгарилари бутунлай соғломлаштириш имконияти бўлмаган кўплаб оғир хасталиклар самарали даволанмоқда. Бўғим артрозларида эндопротезлаш, тизза бўғим жароҳатлари ва касалликларида артроскопик усулда операция қилиш, остеопороз ва ортопедиянинг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлган сколиозни даволаш, умуртқа диск чурраси, яссиоёқлик каби касалликларни замонавий усулда даволаш борасида эришилган натижалар бунга мисолдир.

Илгарилари суяк синишларини жарроҳлик усулида соғломлаштириш атиги 10-12 фоизни ташкил этарди. Илм-фан ва тиббиёт тараққиёти натижасида бугунги кунга келиб бундай беморларнинг аксарияти соғломлаштирилмоқда. Кам инвазивли, инсон вужудида оғир асорат қолдирмайдиган, беморларни тезда оёққа турғазиб, соғлом ҳаётга қайтаришга хизмат қилаётган бундай замонавий диагностика ва даволаш усуллари вилоятлардаги шифохоналарда ҳам муваффақиятли қўлланилаётгани замонавий тиббий ёрдамни халқимизга яқинлаштиришда юксак самаралар бераётир.

Бўғим касалликлари жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоси бўлиб, бу дард беморнинг ҳаёт сифати бузилишига, ногиронликка олиб келади. Бу касалликни даволашда қўлланиладиган йирик бўғимларни эндопротезлаш операциясини бажариш учун юқори малакага эга мутахассислар билан бирга илғор тиббий технологиялар талаб қилинади. Авваллари бу муолажалар тиббиёти юксак ривожланган давлатларда қўлланилар эди. Бугун мамлакатимизда буларнинг барчаси муҳайё этилган. Тиббиёт муассасалари илғор технологиялар билан жиҳозланиб, мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Олимларимизнинг ушбу йўналишдаги ихтироси давлат мукофоти билан тақдирлангани тиббиёт илми ва амалиётини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир тасдиғидир.

Институтимиз мутахассислари ўз соҳаси бўйича ривожланган давлатларнинг илм-фан марказларида, нуфузли клиникаларида малака ошираётир. Чет элдаги илғор тажрибаларни ўрганиш баробарида, жаҳон тиббиётининг муҳим вазифалари ижросига оид илмий изланишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бугунги кунда институтимизда еттита илмий ва инновацион лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада тараққий этган давлатларда қўлланилаётган барча диагностика ва даволаш усуллари мамлакатимиз тиббиётига тўла татбиқ этилмоқда ва шифо излаб хорижга боришга эҳтиёж қолмади. Буларнинг барчаси инсон саломатлигини асраш, ногиронликнинг олдини олиш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда юксак самаралар бераётир.

Шифокорлик – ардоқли касб. Бу борадаги қадриятларимиз янгича мазмун билан бойиб бораётир. Бугунги кун тиббиёт ходимини инсон саломатлиги ҳимоячиси, аҳолига тиббий маданият тарқатувчи маърифатчи, дейиш мумкин.

Ватанимиз мустақиллиги барча юртдошларимиз каби менинг тақдиримда ҳам муҳим ўрин тутади. Травматология ва ортопедия соҳасида минтақада етакчи муассасада илм-фан ва тиббий амалиёт билан шуғулланмоқдаман. Соҳанинг долзарб масалаларига оид изланишларимиз хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётир, янги даволаш усулларимизга чет эллик мутахассисларда эътибор кучаяётир.

Ривожланган давлатларда тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказиладиган анжуманларда Ўзбекистон тиббиётининг ютуқлари намойишига алоҳида ўрин ажратилади. Шунда даволаш бўйича янги усулларимизни оммалаштириш бўйича хориждаги нуфузли клиникаларга таклиф қилишади. Мисол учун, мен хориждаги нуфузли клиникаларда мамлакатимиз олимлари яратган ревматоид артрит касаллигини даволашнинг янги услублари бўйича кўргазмали операциялар ўтказганман. Бундан ташқари, умуртқа поғонаси хасталикларини даволашга йўналтирилган янгича услубларимиз хорижлик ҳамкасбларимиз эътиборини жалб этмоқда. Булар дилимиздаги фахр-ифтихор ҳиссини жўштиради.

Бундан чорак аср илгари бундай ютуқларга эришишни, ўзбек тиббиётининг жаҳонга юз тутишини тасаввур ҳам эта олмасдик. Бизга шундай улкан имкониятларни ато этган Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиш, яратилаётган шароитлардан оқилона фойдаланиб, халқимизнинг саломатлигини янада яхшилаш биз шифокорларнинг бурчимиздир.

**Мирҳаким АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори.**
**ЎзА.**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шаҳримизда Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

# ТЕНГСИЗИМ, ЧАМАНЗОРИМ, ЯГОНАМ ЎЗБЕКИСТОН!

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи С.Ҳасанов ва бошқалар Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида байрамни катта тантаналар билан кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Пойтахтимизнинг 11 та майдони ва 14 та саҳнасида ижодий гуруҳлар томонидан 2015 йилнинг 1 сентябрь куни соат ўн бирдан ўн саккизга қадар ўтказиладиган "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган шиорни ўзида мужассам этган халқ сайлларининг "Тенгсизим, чаманзорим, ягонам Ўзбекистоним!" деб номланган махсус сценарийси ишлаб чиқилди.

Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бадиий безаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда

Байрам тадбирида театрлаштирилган қизиқарли томошалар, болалар учун "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!", "Ким эдигу, ким бўлдик?" деган ғояни очиб берувчи "Истиқлол солномаси" номли блоклар намойиш этилади.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимидаги таниқли актёрлар, санъат усталари жамоаси, ёш ижрочилар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўрик-танлови ғолиблари байрам тадбирларининг юқори савияда ўтказилишида ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этадилар.

Байрам тадбирлари доирасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлатимиз эришаётган ютуқларнинг жаҳондаги эътирофи, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳалардаги ижобий натижаларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёш авлод онгу шуурига етказилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**



# ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

***Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик байрами шукуҳи бутун республикамиздаги каби пойтахтимизнинг барча гўшаларида кезмоқда.***

Жойларда ўтказилаётган байрам тадбирлари юртдошларимиз қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими томонидан тумандаги шаҳар 3-сонли юқумли касалликлар клиник шифохонасида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов, шифохона бош шифокори Рустам Ғуломов ва бошқалар мустақиллик олий неъматлиги, унга осонликча эришмаганимиз, тинч-хотиржамликда кечаётган турмушимизга шукрона келтиришимиз, Истиқлолимизни мустаҳкамлашга барчамиз ҳисса қўшишимиз лозимлиги ҳақида фикр юритишди.

Дарҳақиқат, юртимиз йилдан йилга чирой очмоқда. Ҳар соҳаларда катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг бари мустақиллик туфайли эканлигини унутмаслигимиз муҳимдир.

— Халқимизнинг Энг улуғ, энг азиз байрамини нишонлаш арафасида турли маданий-маърифий, маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов. — Мустақиллик байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб, аҳоли ўртасида турли учрашувларда бундай кунларнинг қадрига етишимиз, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз муҳимлиги таъкидланмоқда. Тумандаги 18 та маҳалла фуқаролар йиғинида байрам муносабати билан тадбирлар ўтказилмоқда. Халқ шоирлари, депутатлар, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари ва бошқа ташкилот вакиллари билан биргаликда маҳаллалар, корхона-ташкилотларда "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" дея "Ким эдиг-у, ким бўлдик" мавзуида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя тарғиботи бўйича учрашувлар ўтказилмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарвоқе, Довон ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар кўп учрайди. Ёзма манбаларда қайд этилишича, милоддан олдин Фарғона водийсида етмишдан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлган. Улардан бирининг номи – Даван. Унинг асосий қисми, бошқарув ва ишлаб чиқарувчи кучлари шарқий Фарғонада ўрнашган. Ўзининг геосиёсий жойлашувига кўра, мазкур ҳудуд Бактрия, Сўғд, Чоч каби тарихий ўлкаларнинг Хитой билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Яна бир муҳим ҳужжатда, Давандан ҳар бири филдай келадиган афсонавий учқур отлар келтирилгани ва тўғри саройга жўнатилгани ҳақида ёзилади.

Тарих гардишга ўхшайди. Ундаги воқеалар бироз ўзгариш билан мудом такрорланиб туради, дейишади. Рост экан! Қаранг, орадан неча замонлар ўтди. Арт, Ақба, Қўтал номлари билан юритилган ушбу тарихий маскан яна тарихий воқеаларнинг шоҳидига айланмоқда. Фақат бу сафар бу ерлардан Хитойга "ҳар бири филдай келадиган афсонавий учқур отлар" эмас, таранг тортилган тасмадек темир йўл узра поездлар боради.

Бундан бор-йўғи 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса ҳеч ким ишонмасди. Боиси, ушбу ҳудуднинг баланд тоғ қоялари, чуқур сойликлари, пасту баланд адирлари узра поездлар қатновини йўлга қўйиш ақлга сиғмас иш эди-да! Миллионлаб куб метр қоя ва харсангларни бўлаклаш, уюм-уюм тошларни ортиш, ташиш, тўкиш, шиббалаш каби оғир ва мураккаб жараёнларда иш сифатини таъминлаш, жуда тиғиз белгиланган муддатларга қатъий амал қилиш, устига-устак, атроф-муҳит ва табиатга зарар етказмасдан ишлаш – буларнинг бари айтишгагина осон, холос.

Бунёдкор халқимиз бундай хаёлларни ҳақиқатга айлантирди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

Уфқи йўқ хаёллар қўйиб берсангиз, қаерларга олиб қочмайди. Бироз тин олгач, мақсад, манзил сари юрдик. Олдинда бизни денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали қурилаётган 19 километрлик темир йўл туннели кутмоқда.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг узунлиги қарийб 124 километр. Келинг, дастлаб ушбу линиянинг қурилиш жараёнига қисқача тўхталиб ўтайлик.

Аввал мўлжалдаги ҳудуд обдон текисланиб, қотирилди. Кейин муайян вагонларда кўкиш тус шағал тўкиб чиқилди. Шағал устига пайдар-пай рельс ётқизилди, электр сими тортилди. Қилни қирқ ёрадиган, моҳир қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмади. Ҳатто тушлик вақтида ҳам кўзларини рельсдан узмай, иш жараёнини муҳокама қилади. Нимадандир мамнун, нимадандир дилхун ўзаро чуғурлашади. Бу куйиб-ёнишлар ўз самарасини кўрсатди. Жорий йилнинг ўтган ойларида 186,7 миллион доллар ўзлаштирилди. Бугунги кунгача 285 сув ва 6 йўл ўтказгич, 13 темир йўл кўприги, "Орзу" вокзали, "Кўл", "Темирйўлобод", "Қўшминор" станциялари қуриб битказилди.

Йўл-йўлакай Қурама тоғининг белида қурилган "Орзу" вокзалини ҳам кўриб ўтдик. Янги вокзал биносида кутиш зали, она ва болалар хонаси замонавий тарзда, юксак дид билан бунёд этилган. Ногирон йўловчилар аравачалар билан чиқиши учун қулайликлар яратиш ҳам эътибордан четда қолмаган.

Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда 8, узунлиги жиҳатидан 13, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринда бўлган туннелнинг қарийб 70 фоизи битибди. Туннелнинг қолган участкасида қазиш ва пардозлаш ишлари жадал давом этаётир. Қурама тоғининг нақ кўксини ёраётган техникаларнинг шовқин-сурони, қурувчи-йўлсозларнинг гоҳо қувноқ, гоҳо таджанг қийқириқлари қулоғингизни қоматга келтиради.

Сардаладан бошланиб, Чодак қишлоғигача давом этадиган туннелни қуриш ва пардозлаш ишларида дунёга машҳур "China railway tunnel group" қурилиш компаниясининг ходимлари кўмаклашмоқда. Асосий туннелда шу кунгача қарийб 13 километр, қўшимча туннелда 14 километр қазиш ишлари бажарилди.

– Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Лекин ўзим темир йўл қурилиши соҳасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётганим учун мамлакатингизнинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, – дейди "ChRTG" қурилиш компанияси масъул ходими Ху Зенг Пинг. – Қурилиши деярли ниҳоясига етай деб қолган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун қанчалар аҳамиятли эканини изоҳлаб беролмайман. Темир йўл борган жойга тараққиёт боради, ўсиш, ривожланиш боради. Демоқчиманки, Ўзбекистон танлаган йўл нечоғли тўғри экани йилма-йил исботланиб бормоқда.

Ху Зенг Пинг ҳақ гапни айтди. Боиси, ушбу темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан ишончли тарзда боғлайди. Мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорти тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади. Юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар замонавий электр поездларда Тошкентдан Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларига, водийдан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳеч бир қийинчиликсиз бориш имкониятига эга бўлади.

Мустақил давлатимизнинг инсон манфаатлари йўлида узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсатини, ҳаётбахш иқтисодий ислоҳотларимизни кўролмайдиган, пана-панадан тош отиб, ҳар хил миш-мишларни тарқатишга ўч кимсалар, афсуски, учраб туради... Бундайларнинг иғволарига жавобан халқимизнинг машҳур мақолини эслатамиз: "Ит ҳурар – карвон ўтар". Зеро, бу карвоннинг узоқни кўра оладиган, доно Сарбони бор. Бундай карвон ҳеч қачон завол кўрмагай...

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишининг мамлакатимиз равнақига қўшадиган ҳиссаси шундаки, бу йўл Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар қаърида қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун катта имкониятлар очиб беради. Иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, мамлакатимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади...

Вақт бир ерда тўхтаб турмайди. Орадан кун, ҳафта, ой, йиллар, замонлар ўтади. Лекин мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати, наинки ўзини, келгуси авлодларининг ҳам манфаатини ўйлаб бажарган буюк ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин тимсоли сифатида тилларда достон, келгуси наслларга намуна бўлиб қолади.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Истиқлол йиллари: озиқ-овқат саноатининг юксалиш одимлари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.***

# ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Давлатимиз мустақилликка эришгач дастлабки йиллардан бошлаб барча соҳалар босқичма-босқич ривожланиб борди. Шу жумладан, озиқ-овқат саноатида ҳам кескин ўзгаришлар амалга оширилди. Биргина мисол, 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт маҳсулотлари ҳисобига қондирилар эди. Бугунги кунда эса бундай маҳсулотларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йиллар давомида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 баробар, саноат усулида қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари деярли 4 баробарга ошгани аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан жорий этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида озиқ-овқат саноати шаклланиб, юқори технологияларга асосланган тармоққа айланди.

Тадбирда айтилганидек, мамлакатимизда тадбиркорликка берилаётган эътибор, уларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар натижасида озиқ-овқат саноатида ҳам хусусий корхоналарнинг сони тез суръатларда кўпайиб бормоқда. 2011 йилда кичик бизнеснинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 16,5 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 40 фоиздан ошди. "Ангрен шакар", "Сиёб саховати", "Гринворд", "Афросиёб мева", "Тошкент сифат сут", "Тўхтаниёз ота" сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони кўпайиб бораётир.

Ички ва ташқи инвестициялар эвазига янги корхоналар ташкил этилиб, мавжуд қувватларнинг модернизация қилинаётгани сутни, гўштни ва мева-сабзавотни қайта ишлаш даражасининг ортишига ҳамда янги иш ўринларининг ташкил этилишига замин бўлмоқда. Бу борада 2008 йилда қиймати 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 150 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 1400 дан ошди ҳамда қиймати 210 миллион доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирилмоқда.

Мамлакатимиздаги озиқ-овқат саноатининг юқори суръатларда ўсиб бораётгани хорижий ишбилармонларни ҳам жалб этмоқда. Дунёга машҳур "Nestle", "Coca-Cola", "Carlsberg" компаниялари юртимизда ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этгани сўзимизнинг ёрқин исботидир. Янгидан янги корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Бу эса экспорт кўламининг ортишига олиб келди. 1990 йиллар бошида атиги бешта мамлакатга маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ҳозирги кунда дунёнинг 80 дан ортиқ давлатига экспорт амалга оширилмоқда.

Анжуманда таъкидланишича, яратилган шарт-шароитлар асосида озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб боради. Яқин беш йил ичида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бир ярим мартага, консервалар ишлаб чиқариш ҳажми икки мартага кўпаяди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

